

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ МД 5А120102 – 2.05

2016 йил “9” 01



Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2016 йил “22” 01

ҚИЁСИЙ ТИЛШУНОСЛИКНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000	- Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120 000	- Гуманитар фанлар
Мутахассислик:	5А 120102	- Лингвистика (роман-герман тиллари)

ТОШКЕНТ – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фаннинг дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

М.И.Расулова – ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси профессори, ф.ф.д.

**Такризчилар:**

Арустамян Я.Ю. – ЎзМУ, “Таржима назарияси ва қиёсий тилшунослик” кафедраси мудир, ф.ф.н.;

Қўлдошев А.М. – ЎзДЖТУ, “Инглиз тили грамматикаси ва тил тарихи” кафедраси доценти, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

## КИРИШ

Магистратура босқичи талабаларига мўлжалланган “Қиёсий тилшуносликнинг замонавий йўналишлари” фани бакалавриатура таълим йўналишидаги “Ўрганилаётган чет тили ва она тилларининг қиёсий типология”си фани билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг мантиқий давоми ҳисобланади.

“Қиёсий тилшуносликнинг замонавий йўналишлари” фани магистрантларнинг чет тили бўйича коммуникатив компетенцияси (лингвистик, социолингвистик, миллий-маданий, стратегик, ижтимоий, ўқув-когнитив) ни такомиллаштиришга хизмат қилади.

### Фаннинг мақсад ва вазифалари

“Қиёсий тилшуносликнинг замонавий йўналишлари” фанининг асосий мақсади:

- қиёсий тилшуносликнинг замонавий йўналишлари ва фаннинг фундаментал масалалари бўйича назарий билим бериш;
- жаҳон ва Ўзбекистон тилшунос олимларининг қиёсий тилшунослик соҳасида яратган ва маълум даражада муҳим аҳамиятга молик назарий ишлари билан таништириш;
- мустақил илмий-тадқиқот иш олиб бориш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

“Қиёсий тилшуносликнинг замонавий йўналишлари” фанининг асосий вазифалари:

- қиёсий тилшунослик фанининг илмий аппарати, унинг асосий йўналишлари ва долзарб муаммолари билан таништириш;
- фан муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш учун замонавий методларни ўргатиш;
- магистратура босқичи талабаларининг тилларни қиёслаш соҳасидаги назарий билимларини чуқурлаштириш ва қиёсланаётган тиллар тузилмаларидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш;
- турли концепцияларни танқидий баҳолаш ва уларни қиёсланаётган тилларнинг материали асосида таҳлил қилиш;
- лингвистиканинг замонавий йўналишларида қиёсий-типологик тадқиқотлар олиб боришга ўргатишдир.

## **Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

“Қиёсий тилшуносликнинг замонавий йўналишлари” фанини ўзлаштирган талаба

- қиёсий тилшунослик фанининг фанлараро хусусияти;
- қиёсий тилшунослик фанида ишлатилаётган терминологик аппарат (тилда тип тушунчаси, метатил тушунчаси, тил универсалиялари, қиёслаш турлари ва ҳ.к.) ҳақида *тасаввурга эга бўлиши керак*
- қиёсий тилшуносликнинг фундаментал масалалари бўйича назарий билим асосларини эгаллаши;
- қиёсий тилшунослик фанининг илмий аппарати;
- қиёсий тилшунослик фанининг долзарб масалалари;
- қиёсий тилшунослик фанида замонавий йўналишларнинг намоён бўлиши ва уларнинг талқини;
- қиёсий тилшунослик фанида қўлланиладиган замонавий методлар ва методология;
- турли йўналиш мактабларида қиёсий-типологик муаммоларнинг талқин қилиниши ҳақида *билимга эга бўлиши керак*
- қиёсий тилшунослик соҳасида илмий изланиш олиб бориш;
- фанга оид бажарилган илмий-тадқиқот ишлари билан танишиб ўқув, илмий ва касбий жараёнларда уларнинг натижаларидан фойдаланиш;
- қиёсий тилшунослик фанининг методологиясини қўллай олиш;
- лингвистик адабиётлардан самарали фойдалана билиш *кўникма ва малакаларга эга бўлиши керак*

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жихатдан узвийлиги**

“Қиёсий тилшуносликнинг замонавий йўналишлари” асосий ихтисослик фанлаидан бири ҳисобланиб, магистратура босқичининг 3-семестрида ўқитилади. Дастур самарали ўзлаштирилиши учун талабанинг ўқув режадаги – асосий чет тили, назарий грамматиканинг долзарб муаммолари, семантика ва сўз тузилиши, матн лингвистикаси каби фанлардан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

“Қиёсий тилшуносликнинг замонавий йўналишлари” фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Ушбу фан ўрганилган чет

тили ва она тилларини тил тармоқлариаро қиёсий таҳлил қилишда амалий билим ва кўникмаларнинг назарий асосларини яратади ҳамда талабаларнинг ўз мутахасислиги бўйича мустақил илмий – тадқиқот ишларини олиб боришларига катта ёрдам беради.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг “Қиёсий тилшуносликнинг замонавий йўналишлари” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий методларидан, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади. Ушбу фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг интерфаол методлари кенг қўлланилади. Жумладан, маъруза ва амалий машғулотларда мос равишдаги интерфаол методларнинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилади:

- гуруҳли музокаралар (group discussions)
- жамоа лойиҳалари (project work)
- жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш (pair work)
- якка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш (individual presentation)
- давра суҳбатлари ўтказиш (round-table discussion)
- Инсерт техникаси (Insert technique)
- Пинборд техникаси (Pinboard)
- Кейс - стади (case-study)
- ақлий хужум (brainstorming) ва ҳ.

Шунингдек, “Қиёсий тилшуносликнинг замонавий йўналишлари” фанини ўқитишда замонавий ахборот технологиялари қўлланилади, хусусан мультимедиа воситалари ёрдамида машғулотлар ташкил этилади, PowerPoint дастури ёрдамида презентациялар, компьютерда тестлар ўтказиш каби тадбирлар имкон доирасида тез-тез ўтказилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни**

#### **Қиёсий тилшунослик замонавий йўналишлари фанига кириш**

Тилшуносликнинг бир тармоғи бўлмиш қиёсий тилшунослик фанининг асосий мазмуни. Фаннинг ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, унинг предмети ва объекти. Қиёсий тилшуносликнинг долзарб масалалари

тўғрисида умумий маълумотлар. Қиёсий тилшунослик фанининг замонавий йўналишлари. Қиёсий тилшуносликда ишлатилувчи асосий атамалар талқини: лингвистик – нолингвистик типология, қиёслаш турлари: ички – ташқи, субстанционал – носубстанционал; “шаклдан-маънога” ва “маънодан-шаклга” тамойилининг ишлатилиши, тилда тип тушунчаси, метатил тушунчаси ва унинг тилларни қиёсий ўрганишдаги роли, тил универсалиялари ва уларнинг қиёсланаётган тилларда намоён бўлиши, изоморфизм ва алломорфизм тушунчалари, қиёслашда синхрон ва диахрон ёндашув ва ҳ.к.

### **Типологик тадқиқотларнинг тарихи**

Типологик тадқиқотлар тарихи. Т. А. Амирова ва Б. А. Ольховиков ҳамда Г. С. Клычковлар томонидан ишлаб чиқилган тилшунослик тарихи ривожланишидаги асосий босқичлар.

Қиёсий тилшуносликнинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши ҳақида Д.Ж. Буранов таклиф қилган классификация:

- лингвистикага оид ишларнинг илк марта пайдо бўлиши;
- А.Арно ва К.Лансло томонидан яратилган “Пор-рояль грамматикаси”, М.Қошғорийнинг “Девону луғатит-турк” асари, А.Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн” асари;
- қиёсий-тарихий тилшуносликнинг фан сифатида шаклланиши.

### **Турли тил системаларини қиёсий ўрганишнинг замонавий методлари ва методологияси**

- Қиёсий-тарихий методнинг пайдо бўлиши. Ф.Бопп, Р.К. Раск, А.фон Шлегель, В.фон Шлегель, Я.Гримм каби олимларнинг ушбу метод шаклланишига қўшган ҳиссаси.
- Қиёсий метод қиёсий тилшунослик фанининг асосий қўлланиладиган методи сифатида. Анъанавий методларнинг қиёсий тилшунослик фанида фойдаланилиши: компонент таҳлил, трансформацион таҳлил, лингвостатистик таҳлил кабилар.
- Лингвомаданиятшунослик соҳасида қўлланиладиган методлар: доминант таҳлил, дискурс таҳлил, кластер таҳлили, концептуал таҳлил кабилар.

### **Қиёсий тилшуносликда категориялаш муаммолари**

Қиёсий тилшуносликда категориялаш муаммолари:

- а) тилнинг грамматик сатҳини тадқиқ қилишда категориялаш муаммоси: грамматик категория ҳақида таълимот. Грамматик ва мантиқий

категориялар ўртасидаги муносиблик. Тушунча категориялари. Функционал-семантик категориялар. Грамматик-лексик майдон. Типологик категориялар. Типологик маъно ва типологик форма. Типологик категориянинг тиллараро, яруслараро ва сўз туркумлариаро хусусиятлари. Типологик категорияларнинг ифодаланишдаги мазмун ва ифода планлари бирликларининг тиллараро алоқаси.

б) тилнинг бошқа сатҳларини тадқиқ этишда категориялаш муаммолари. Тилнинг лексик сатҳини тадқиқ этишда категориялаш муаммолари. Лексикани тизим сифатида қаралиши ва типологик ёндашиш имкониятлари

### **Интерференция муаммоси**

Тилнинг барча сатҳларида интерференция ходисасининг намоён бўлиши. Ушбу ходисани бартараф этиш усуллари.

### **Турли тилларнинг барча сатҳларида чоғиштирма тадқиқот муаммолари**

Лингвистик, лингводидактик ва таржима мақсадларда турли қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг барча сатҳларида (фонетика ва фонология, морфология ва синтаксис, лексика ва фразеология) чоғиштирма тадқиқот муаммолари. Интерференция муаммолари.

### **Лингвистиканинг замонавий йўналишларида қиёсий-типологик тадқиқотлар**

#### ***а) Лингвомаданиятшунослик:***

Маданиятлараро алоқанинг лингвистик асослари; тил ва маданиятлараро коммуникация; қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг миллий – маданий хусусиятларини аниқлаш муаммолари; биологик ва ижтимоий жинс тушунчаларининг фарқланиши; аёл ва эркак нутқий хулқига оид хусусиятларни ўрганиш; қиёсланаётган тиллар миллий-маданий хусусиятларининг барча тил сатҳларида намоён бўлиши.

#### ***б) Гендер лингвистикаси:***

Қиёсланаётган тилларда грамматик род категорияси муаммоси; “аёл” жинсини “эркак” жинси билан таққослашдаги ижтимоий, маданий ва психологик аспектлар; гендер тушунчасини этномаданий анъана ва тилнинг миллий ўзига хослиги нуқтаи назаридан ўрганиш ва таққослаш; гендер факторларининг маданиятлараро коммуникация жараёнига таъсири.

### **Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати**

- Қиёсий тилшуносликнинг долзарб масалалари тўғрисида умумий маълумотлар.
- Типологик тадқиқотларнинг замонавий йўналишлари ҳақида
- Қиёсий тилшунослик шаклланиши ва ривожланишининг асосий боскичлари ва факторлари
- Қиёсий тилшуносликнинг лексикография, стилистика, таржима назарияси ва тил ўқитиш методикаси каби фанлар билан узвий боғлиқлиги.
- Лингвистиканинг замонавий йўналишларидаги қиёсий-типологик тадқиқотлар
- Қиёсий тилшуносликда категориялаш муаммолари
- Типологик категориялар
- Тилнинг лексик сатҳини тадқиқ этишда категориялаш муаммолари
- Турли тилларнинг барча сатҳларидаги чоғиштирма тадқиқот муаммолари
- Интерференция муаммолари
- Турли тил системаларини қиёсий ўрганишнинг замонавий методлари ва методологияси
- Тилнинг товуш системасини қиёсий-типологик ўрганиш муаммолари
- Тилнинг морфологик системасини қиёсий-типологик ўрганиш муаммолари
- Тилнинг синтактик системасини қиёсий-типологик ўрганиш муаммолари
- Тилнинг фразеологик системасини қиёсий-типологик ўрганиш муаммолари:
- Тилнинг лексик системасини қиёсий-типологик ўрганиш муаммолари
- Қиёсий тилшуносликда лингвистикадаги замонавий йўналишларининг қўлланилиши

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар**

Амалий машғулотларни ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий тақдимотлар, кейслар, гуруҳ муҳокамалар, баҳс-мунозаралар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини



мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича тақдимотлар, баҳс-мунозаралар ўтказиш ва бошқалар тавсия этилади.

### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

### **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

### **Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни**

Талабаларнинг мустақил иши дастурнинг асосий бўлимлари асосида режалаштирилади ва қуйидаги иш турларини назарда тутди:

- амалий тил материални йиғиш: карточкалар тузиш ҳамда қиёсий тилшуносликнинг назарий ва амалий муаммолари бўйича тестлар тузиш;
- қиёсий тилшунослик фани бўйича семинар машғулотлари учун услубий ишланмалар тайёрлаш;
- Жаҳон ва Ўзбекистон ёзувчилари бадиий адабиётлари материаллари асосида танланган мавзуда қиёсланаётган тилларнинг барча сатҳларидаги лексик бирликларни изоморфик ва алломорфик хусусиятларини аниқлаш;
- қиёсий тилшуносликнинг асосий муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориш;
- лингвистик адабиётлардан самарали фойдаланиш;
- танланган мавзу бўйича магистрлик диссертацияларини ёзиш.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Тилларнинг генеологик таснифи. Тилларнинг типологик ёки морфологик таснифи.
2. Тиллар кариндошлиги хақида маълумот.
3. Изоморфик ва алломорфик тушунчалари. Синхрон ва диахрон атамалари хақида маълумот
4. Тил универсалияси хақида таълимот; унинг қиёсланаётган тилларда намоён бўлиши

5. Категориялаш муаммосини урганилиш тарихи. Грамматик категорияларнинг пайдо булиши. Грамматик сигнал хақида таълимот. Категория ва майдон атамасининг фарқли томонлари.
6. Грамматик категорияси назарияси. Ифода ва мазмун планлари хақида таълимот
7. Сўз яшашнинг асосий усуллари. Сўзнинг структуравий хусусиятлари. Ўзак ва аффиксал морфемаларнинг типлари
8. Тил ва маданият.
9. Когнитив лингвистика хақида таълимот
10. Лексикография, стилистика, таржима назарияси ва тил ўқитиш методикаси фанларининг хусусиятлари хақидв
11. Қиёсланаётган тилларнинг фонологик, грамматик, семантик, этимологик, лексик ва стилистик хусусиятлари хақида

### **Дастурнинг инфор­мацион-услубий таъминоти**

Фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот коммуникатив технологияларидан фойдаланиш назарда тутилади. Жумладан:

- замонавий аудио-видео воситалари ва компьютер технологиялари ёрдамида маърузаларни ўқиш;
- мазкур фаннинг курси юзасидан машғулотларда компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотлар ўтказиш;
- амалий машғулотлар дарсларида ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, диалог, полилог, коммуникатив мулоқот каби интерфаол усуллардан фойдаланиш;
- кичик гуруҳ мусобақалари, интернет янгиликлари ва шу каби илғор педагогик технологиялар қўлланилади.

## **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати<sup>1</sup>**

### **Асосий адабиётлар**

1. Yusupov U.K. Contrastive Linguistics of English and Uzbek Languages. – Tashkent 2013.
2. Зеленецкий А.Л. Сравнительная типология основных европейских языков. Москва. Academia. 2004.
3. Стернин И.А. Контрастивная лингвистика. Проблемы теории и методики исследования. Москва, 2006

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Кравченко А.В. Язык и восприятие. Когнитивный аспект языковой категоризации. - Иркутск, 2004.
2. Махкамова Г.Т. Межкультурные измерения ценностных ориентаций, языка, дискурса и поведения. - Ташкент, 2012.
3. Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Т.: «Фан», 2005.

### **Интернет сайтлари**

1. <http://www.bne.es>.
2. <http://www.ben.es/castella/elome.htm>.
3. [www.macmillanenglish.com/readers](http://www.macmillanenglish.com/readers)
4. [www.lexikon.freenet.de/Literaturdidaktik](http://www.lexikon.freenet.de/Literaturdidaktik)
5. [www.francophonie.hachette-livre.com](http://www.francophonie.hachette-livre.com)
6. [www.portail.lettres.net](http://www.portail.lettres.net)
7. <http://www.rae.es>.

---

<sup>1</sup> Адабиётлар рўйхатига ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятлари, соҳага оид замонавий манбалар ва ҳар бир тил хусусиятлари инобатга олинган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин.

